
Халқ қабулхоналарига Cobalt автомобиллари топширилди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шаҳар ва туман Халқ қабулхоналарига Cobalt автомашиналари топширилди.

Тадбирда Фарғона вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Акмалхон Ортиқов, вилоят Халқ қабулхонаси мудир Робияхон Маҳмудова, Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи Раъно Бойқўзиева, прокуратура, ички ишлар ҳамда солиқ идоралари ходимлари қатнашди.

Вилоятда айти пайтда 4 та шаҳар ва 15 та туман Халқ қабулхонаси аҳолига самарали хизмат кўрсатмоқда. Ўтган давр давомида уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилди. Шаҳар ва туман Халқ қабулхоналарига Cobalt автомобиллари топширилиши ҳам соҳага қаратилаётган доимий эътибор ифодаси бўлди.

— Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Президент фармони билан Халқ қабулхоналарига қўшимча ҳуқуқ ва вазифалар юкланди, — дейди вилоят Халқ қабулхонаси мудир Робияхон Маҳмудова. — 2019 йил 1 февралдан Халқ қабулхоналари муаммоларни уйма-уй юриш орқали аниқлайди ва ҳал қилади. Замонавий хизмат автомашиналари чекка қишлоқларда ҳам аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш имконини беради.

2019-01-26 17:40:09